



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 4 октябрь, № 203 (8826)

Жума Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Креатив иқтисодиёт тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 30 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 30 сентябрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчилик

Креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
креатив индустрия — ижодиёт, интеллектуал қобилият, шунингдек интеллектуал мулк устуворлигига асосланган ва иқтисодий қимматга эга бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва илгари суриш билан боғлиқ бўлган иқтисодий фаолият турларининг жаммуи;

креатив индустрия парки — Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида экстерриториаллик принциплари асосида креатив индустрия соҳаларини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида фаолият олиб борадиган ташкилий-ҳуқуқий тузилма;

(Давоми 2-бетда.)

Сенат қўмитасида



«ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ИЖРОСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги Қонуни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"нинг ижро ҳолати муҳокама қилинди.

Мажлисида сенаторлар, экспертлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши раиси тегишли доимий комиссиялари раислари, вазирилик, идоралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Масалан, 2024 йил 13 июнда Вазирият Мақамасининг "Инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарини трансплантация қилиш тартибини белгилаш тўғрисида"ги қарори ҳамда Соғлиқни сақлаш вазириликнинг қатор буйруқлари қабул қилинган.

Шу асосда республика тиббий муассасалари донор ва реципиентлари трансплантация амалиётига тайёрлаш учун иммуногенетик анализатор ҳамда реагентлар билан таъминланган.

Мажлисида сенаторлар томонидан "Йўл харитаси"да белгиланган айрим вазирият бажарилмагани ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ҳудудларда донор ва реципиентларни трансплантацияга тайёрлаш ҳамда ундан кейинги муолажани ва кузатушни олиб борадиган масъул шахс ҳамда тиббий психологларга иш ўрни ажратилмаган. Худудларда донор ва реципиентларни трансплантацияга тайёрлаш ҳамда ундан кейинги муолажани барқарор этиш бўйича тақлим ва тавсиялар билдирилди.

Мажлис якунида қўрилган масала бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Анжуман

ПОЙТАХТИМИЗДА VIII БУТУНЖАҲОН ПАХТА ТАДҚИҚОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Мамакатимизда пахта етиштириш ва уни қайта ишлашда кенг қўлланма ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳани эркин рақобатни таъминловчи бозор тамойиллари асосида ривожлантириш, қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида кластер тизими жорий этилди ва пахта

етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилиниб, эркин бозор тамойилларига ўтилди. Бунинг самараси ўлароқ юртимизда пахта йиғим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга чек қўйилди. Натижада 2021 йилда "Cotton Campaign" коалицияси томонидан Ўзбекистон пахтасига бойкот бекор қилинди.

Пойтахтимизда илк бор ўз ишини бошлаган VIII Бутунжаҳон пахта тадқиқот конференцияси ва унинг доирасида ўтказилаётган тадбирлар ҳам мана шу ҳаётбахш ислохотларнинг амалдаги тасдиғидир. Шунингдек, таъкидлаш кераки, 2022 йилда Мисрда ўтказилган VII Бутунжаҳон пахта тадқиқот (WCRC — 7) конференцияси якунида ушбу нуфузли анжуманнинг навбатдагисини 2024 йилда Ўзбекистонда ўтказиш ташаббуси халқаро нуфузли компания ва етакчи экспертлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланган эди.

Ана шу ташаббус ва 7 октябрь — Бутунжаҳон пахта кўни олдидан ўтказилаётган VIII Бутунжаҳон пахта тадқиқот конференцияси (WCRC — 8) жорий йилнинг 7 октябрга қадар давом этади. Бу анжуман пахта тадқиқотчилари уюшмаси (ICRA), Халқаро пахта бўйича маслаҳат қўмитаси (ICAC) ва Халқаро пахта геноми ташаббуси (ICGI) ташкилотлари билан биргаликда ўтказилмоқда. Унда ғўза тадқиқотлари соҳасидаги 430 нафардан ортиқ халқаро олимлар ҳамда 200 нафарга яқин маҳаллий олимлар, шунингдек, 177 та пахта-тўқимачилик кластери ва корхоналари раҳбарлари қатнашмоқда.

Анжуманнинг расмий очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири Жамшид Қўчқоров иштирок этди ва бугунги глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги шароитида пахтачилик соҳасидаги дунё олимларининг Тошкентда йиғилиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб ўтди.



Шунингдек, тадбирда хорижлик пахтачилик соҳаси олимлари, етук эксперт ҳамда компания раҳбарлари сўзга чиқиб, иқлим ўзгаришига қарши курашда пахта генетики, геномикаси ва уруғчилик соҳасидаги сунгги ютуқлар ҳақида фикр билдирди.

— Янги Ўзбекистон тарихида илк бор хориждан, хусусан, Хитой, Туркия, Хиндистон, АҚШ, Испания, Тожикистон ва Қирғизистондан 2,5 минг тонна юқори ҳосилдор, қурғоқчиликка ва шўрға чидамли, ҳосилдорлиги гектарига 60 — 70 центнер, тола чикими 42 фоиздан юқори бўлган 18 та ғўза нави каран-

тин талаблари асосида олиб келинди ва 100 минг гектар майдонга экилди, — деди Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдурахмонов. — Замоनावий ва хорижий агротехнологияларни жорий этиш мақсадида Хитойдан 50 нафар консултант ва селекционер-агротехнолог олим жалб қилинди. Шунингдек, 12 минг гектар майдонда Хитой агротехнологияси жорий этилди. Энг муҳими, Ўзбекистонда яратилаётган истиқболли ғўза навлари бугунги ўзгарувчан иқлим шароитига бардошли ва серҳосилдир.



МАКТАБ — ИЛМ МАНБАИ, МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Ривожланган давлатларнинг тараққиёт тарихига эътибор қаратсак, уларнинг қарийб барчасида илк даврлардан таълимга жиддий аҳамият берилганига ғувох бўламиз. Бу тўғри танланган йўл эканини ҳаётнинг ўзи ҳам намоян этаяпти. Таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги эса, энг аввало, ўқитувчи меҳнатини қадрлаш, уни муносиб рағбатлантиришга боғлиқ.

Дил сўзи

Шукри, ўқитувчи ўз касбий вазифалари бир четда қолиб, қишлоқ хўжалиги ишларида ва бошқа турли тарғибот кампанияларида фойдаланилаётган, мажбурий меҳнатнинг қўчаларини тозалаш, пахта йиғим-терими каби турли кўринишларига жалб этилаётган замоналар тарихда қолди. Бугун ўқитувчининг шаъни, кадр қиймати улугулини, унинг меҳнати моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

Президентимизнинг касб байрамимиз олдидан соҳа вакиллари билан ўтказган мулоқотида иштирок этиб, яқин келажақда Ўзбекистонда энг обрўли инсон муаллими бўлишига яна бир бор амин бўлдим. Давлат раҳбарининг таълим-тарбия соҳасида олдимизда турган долзарб вазифалар, жумладан, янги замон кишисини, янги Ўзбекистон ёшларини тарбиялайдиган ҳар бир ўқитувчи ва мураббий маълум маънода стратег бўли-

ши, узоқни кўзлаб иш олиб бориши лозимлиги тўғрисидаги фикрлари биз — соҳа ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Айниқса, соҳа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш, жумладан, халқаро стандартлар асосида малака сертификатини синовида 86 ва ундан юқори балл олган ўқитувчиларнинг ойлик маошига яна бир дастама тўлаш, санаторий ва дам олиш масканларига юбориладиган ўқитувчилар сонини 2 баробар ошириш, 208 та шахар ва туманда "Йил ўқитувчиси" кўриқ-раҳбарининг таълим-тарбия Президент совғаси сифатида уй бериш тўғрисидаги тақдирлар мулоқот иштирокчилари томонидан гўлдурос қарсақлар билан кутиб олинди.

Ушбу учрашувдан бир

олам таассуротлар, янги ғоя ва режалар билан чиқдик. Энг ҳаяжонлиси, кутлуг байрам арафасида Юртбошимиз кўлидан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвонини қабул қилиб олганим бўлди. Менинг камтарона меҳнатим бу қадар юксак баҳоланганидан қувончимнинг чеки йўқ. Бу юксак эътироф мени ёш авлод таълим-тарбияси йўлида яна кўпроқ изланишга даъват этади, ғайрати бағишлайди.

Ихтиёр МАТМУРАТОВ,
Шовот туманидаги иختисослаштирилган мактаб-интернатнинг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.



МИЛЛАТ ТАНЛАМАГАН ҚАБОҲАТ

Тарихнинг машъум кунлари ҳар биримизни ҳушёрликка ва ҳулоса чиқаришга ундайди

Бугун ўтган асрга нигоҳ ташларканмиз, илм-фан, тиббиёт, техника ва бошқа жуда кўплаб соҳалардаги ютуқларга қарамасдан у икки жаҳон урушининг рўй бергани, атом қуролининг

қўлланиши, минтақавий хунрезлик ҳамда тасаввурга сигмас қатағонликлар туфайли инсоният тарихининг энг қаттол даври дея баҳоланганига ғувох бўламиз.

Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги

"Катта террор" номи билан тарихга кирган собиқ шўро тизимининг 1937-1938 йиллардаги қатағонликлари мамлакатимизда ҳам аҳолининг зиёли қатлами билан бирга оддий меҳнаткашларини ҳам ўз қомига тортиб, улар "бой", "диндор", "босмачи", "ёт унур", "Ватан хоини" каби ёрликлар билан турли бало-қазоларга гирифторм этилган.

Ватанимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жонини фидо этган, сиёсий қатағон қурбонлари

бўлган ота-боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича кейинги йилларда юртимизда кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 19 июлдаги "Сиёсий қатағон қурбон бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги иш-

ларни кенгайтириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ушбу чора-тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тузилган. Ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси мамлакатимизда Сиёсий қатағон қурбонларини ёд этиш ҳафталиги сифатида нишонланиши белгиланди. Мазкур ҳафталик доирасида халқимизнинг мустақилликка эришиш йўлидаги кўп асрлик мардона кураши, бу йўлда сиёсий қатағонга учраган юртдошларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда уларнинг хотирасига бағишланган маънавий-маърифий тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда уч авлод учрашувлари ташкил этилмоқда.

— Қатағон миллат ҳам, жой ҳам танламаган, — дейди навоийлик ёш тадқиқотчи Зафар Олимов. — Масалан, биргина Кармана туманидан 1937 йилнинг 5 августидан 28 декабригача бўлган мuddатда 41 та қишлоқдан 73 киши қатағон қилиб юборилган. Уларнинг ижтимоий келиб чиқиши ўрганилганда, 5 киши "амир амалдорининг ўғли ва ўзи амирликда ишлаган", 6 киши "собиқ босмачи", 62 колхозчи эса шунчаки "собиқ қўлоқ", "савдогар", "диндор, мулла, имом", "қатағондан яширинган" каби айбловлар қўйилиб, 9 нафари отувга, қолганлари узок мuddатларга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган.



САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан «Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти — кучли ижтимоий сиёсатнинг асоси» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон маҳалла тизими дунё нигоҳида

Самарқанд шаҳридаги "Буюк Ипак йўли" халқаро туризм мажмуасида Президентимизнинг "Камбағалликдан фаровонлик сари" ғояси асосида "Маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишда маҳалланинг ўрни" мавзусида халқаро конференция ўтказилмоқда. Унда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, UNICEF, UNDP, UNODC, UNFPA, USAID каби халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий мамлакатларнинг юртимиздаги элчилари, чет эллик ва маҳаллий экспертлар, маҳалла фаоллари қатнашмоқда.

Ҳамкорлик

Анжуман аввалида маҳалла тизимини кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қўшқоров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабина Махл, USAIDнинг мамлакатимиздаги миссияси раҳбари Девид Хофман, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхонова мазкур тадбирнинг аҳамияти ва ундан қутилаётган натижалар, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда "маҳалла еттичилиги"нинг мақсади ва вазифалари ҳақида сўз юритди.

Мазкур халқаро конференциядан қўзланган мақсад — маҳалла институти ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини хорижда кенг тарғиб этиш, бу борада чет давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, ўзаро ҳамкорлик ўрнатишдан иборат. — Бугун маҳалла ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳасида фаол иштирок этаяпти. Тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш — барча-барча масалада маҳалланинг иштироки бор. Пировард мақсад аниқ: аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, — деди Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қўшқоров. — Биргина камбағалликни қисқартириш борасида бошланган хайрли ташаббуслар бугун ўз мевасини бераётганини айтиб ўтиш ўринли. Ўтган йилларда 3,5 миллион нафар одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди. Ижтимоий ҳимоя қамрови 4,5 қарра кенгайтирилиб, ўтган йили 12,3 триллион сўм йўналтирилди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Креатив иқтисодиёт тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

креатив индустрия субъектлари – креатив маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва илгари суриш билан шуғулланадиган жисмоний ва юридик шахслар;

креатив иқтисодиёт – ижодиёт, интеллектуал қобилият, шунингдек инновацияларга ҳамда технологияларга асосланган инсон салоҳияти натижасида иқтисодий қимматга эга бўлган товарларни (ишларни, хизматларни) яратишга қаратилган иқтисодиёт тармоғи;

креатив маҳсулот – креатив иқтисодиёт соҳасида иқтисодий қимматга эга бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), шунингдек бошқа фўқаровий-ҳуқуқий битимлар объектлари.

4-модда. Креатив иқтисодиёт соҳасидаги асосий принциплар
<p>Креатив иқтисодиёт куйидаги принципларга асосланади: қонунийлик; очиқлик ва шаффофлик; ижод эркинлиги; тенглик; креатив маҳсулотнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиниши.</p>
5-модда. Қонунийлик принципи
<p>Креатив иқтисодиёт соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.</p>

6-модда. Очиқлик ва шаффофлик принципи
<p>Креатив иқтисодиёт соҳасидаги ахборот очик ва шаффоф бўлиши керак. Бундан давлат сирларни ташкил этувчи ҳамда ошқор этилиши қонун билан чекланган ахборот мустасно.</p> <p>Давлат органлари креатив индустрия субъектлари учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, шунингдек ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган усулларда ахборот олиш ва ундан эркин фойдаланиш шароитларини яратиши шарт.</p>

7-модда. Ижод эркинлиги принципи
<p>Креатив иқтисодиёт илмий, техникавий ва бадий ижод эркинлигига асосланади.</p> <p>Барча шахслар креатив индустрия соҳаларини танлашда ва уларнинг бир ёки бир нечтасида фаолият олиб боришда, шунингдек креатив маҳсулот яратишда эркиндир.</p> <p>Ижод эркинлиги бошқа шахсларнинг шаъни, қадр-қимматига ва ишчанлик обрўсига зарар етказишга, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ундашга ёки тарииб қилишга қаратилмаслиги ҳамда ижтимоий ахлоққа зид бўлмаслиги керак.</p>

8-модда. Тенглик принципи
<p>Креатив индустрия субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда, шу жумладан давлат томонидан тақдим этиладиган қўллаб-қувватлаш чораларидан ва инфратузилмадан фойдаланишда тенгдир.</p>
9-модда. Креатив маҳсулотнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиниши принципи
<p>Креатив маҳсулот интеллектуал ва ижодий фаолият натижасидир ҳамда у қонунчиликка мувофиқ муҳофаза қилинади.</p>

10-модда. Креатив индустрия соҳалари
<p>Ушбу Қонун мақсадларида креатив индустрия соҳаларидаги фаолият йўналишлари куйидагиларни ўз ичига олади:</p> <p>адабий ижодни; амалий санъат ва хунармандчиликни; архитектура, лойиҳалаштириш ва урбанистикани; аудиовизуал санъатни; ижрочлик санъатини; концерт-томоша фаолиятини ва оммавий-маданий тадбирларни ташкил этишни; мода ва дизайн санъатини; музейлар, бадий галерейлар (кўргазмалар), ахборот-кутубхона фаолиятини; нарийёт ва матбаа соҳасидаги ижодий фаолиятни; оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали узатиш йўли билан амалга ошириладиган ижодий фаолиятни; продюсерлик фаолиятини; рақамли технологиялар соҳасидаги ижодий фаолиятни; реклама соҳасидаги ижодий фаолиятни; санъат ашёлари ва маданий мерос объектларини асрашга доир фаолиятни; тасвирий санъатни.</p>

2-боб. Креатив иқтисодиёт соҳасидаги давлат сиёсати
11-модда. Креатив иқтисодиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари
<p>Креатив иқтисодиёт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:</p> <p>креатив индустрия соҳаларида фўқароларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;</p> <p>креатив индустрияни иқтисодиётнинг фаол тармоқларидан бирига айлантириш орқали креатив маҳсулотлар айланмасини ошириш;</p> <p>креатив индустрия субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда тенг имкониятлар яратиш;</p> <p>креатив индустрия соҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш;</p> <p>креатив иқтисодиёт соҳасида илм-фан ва илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш ҳамда креатив гояларни ва лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш;</p> <p>креатив индустрия субъектлари учун зарур инфратузилмани яратиш;</p> <p>креатив маҳсулотлар яратишда илм-фан ва технология ютуқларидан ва инновацион ёндашувлардан фойдаланилишини таъминлаш;</p> <p>мазкур соҳадаги кўникмаларни ривожлантириш мақсадида креатив индустрия соҳаларида таълим тизимини такомиллаштириш, замонавий таълим дастурларини жорий этиш;</p> <p>креатив индустрия субъектларининг ижодий салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича чекловларни бартараф этиш;</p> <p>миллий маданият ва миллий брендларни халқаро майдонда кенг танитилишини таъминлаш.</p>

12-модда. Креатив иқтисодиётни ривожлантириш стратегиялари
<p>Креатив иқтисодиётни ривожлантириш стратегиялари замонавий ютуқлар асосида инсон капиталини, мамлакатни ривожлантириш, креатив иқтисодиёт соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.</p>

3-боб. Креатив иқтисодиёт соҳасини тартибга солиш
13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг креатив иқтисодиёт соҳасидаги ваколатлари
<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: креатив иқтисодиёт соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди; креатив иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ва уларни тақдим этиш тартибини белгилайди;</p> <p>креатив индустрия соҳаларидаги иқтисодий фаолият турларини белгилайди;</p> <p>креатив иқтисодиётни ривожлантириш стратегияларини ва давлат дастурларини тасдиқлайди;</p> <p>креатив иқтисодиёт тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади;</p> <p>креатив иқтисодиёт соҳасидаги зарур инфратузилмани яратиш чораларини кўради;</p> <p>креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди;</p> <p>республика ижро этувчи ҳокимият органларининг креатив иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;</p> <p>Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика кенгашининг фаолияти тартибини белгилайди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.</p>

14-модда. Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика кенгаши
<p>Креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича республика кенгаши (бундан буён матнда Республика кенгаши деб юритилади) креатив индустрия соҳаларини ривожлантириш бўйича жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган маслаҳат органидир.</p> <p>Республика кенгашининг таркиби креатив индустрия соҳалари бўйича тегишли давлат органлари ва фўқаролик жамияти институтлари вакиллари, креатив индустрия соҳаларидаги етакчи тадбиркорлар ҳамда халқаро ва маҳаллий экспертлардан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.</p> <p>Республика кенгаши:</p> <p>креатив иқтисодиётни ривожлантириш ва креатив индустрия соҳаларини қўллаб-қувватлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;</p> <p>креатив индустрия соҳаларидаги иқтисодий фаолият турларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;</p> <p>креатив индустриянинг истиқболли йўналишлари ва ўсиш нуқталарини аниқлайди;</p> <p>креатив индустрия парки фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади ҳамда уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошитади.</p> <p>Республика кенгашининг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хазуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳисобланади.</p>

15-модда. Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг креатив иқтисодиёт соҳасидаги ваколатлари
<p>Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ўз ваколатлари доирасида:</p> <p>креатив иқтисодиёт соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;</p> <p>креатив иқтисодиёт тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилишини таъминлайди;</p> <p>креатив маҳсулотларни шакллантириш ва креатив иқтисодиёт соҳасини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда иштирок этади;</p> <p>ўз тасарруфидаги креатив индустрия субъектларининг креатив маҳсулотларни яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва илгари суришга доир фаолиятини мувофиқлаштиради.</p> <p>Республика ижро этувчи ҳокимият органлари креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.</p> <p>Республика ижро этувчи ҳокимият органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.</p>

16-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг креатив иқтисодиёт соҳасидаги ваколатлари
<p>Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:</p> <p>худудларда креатив иқтисодиёт соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;</p> <p>худудларда креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;</p> <p>креатив иқтисодиёт соҳасидаги худудий дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;</p> <p>креатив индустрия субъектлари фаолиятига кўмаклашади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.</p>
17-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг креатив иқтисодиётни ривожлантиришга доир фаолиятда иштирок этиши
<p>Нодавлат нотижорат ташкилотлари: креатив индустрия субъектларига ўз ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашади;</p> <p>креатив иқтисодиётни ривожлантириш бўйича ташаббуслар ва таклифлар ишлаб чиқади;</p> <p>креатив иқтисодиёт соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этади.</p>

4-боб. Креатив иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш
18-модда. Креатив иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари
<p>Давлат креатив иқтисодиётни ривожлантиришини ҳамда креатив индустрия соҳаларида кулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити яратилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.</p> <p>Креатив иқтисодиётни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш куйидаги чораларни ўз ичига олади:</p> <p>креатив индустрия субъектлари учун солиқ қонунчилигида назарда тутилган тартибда имтиёзлар беришни;</p> <p>давлат субсидиялари, давлат грантлари ва давлат</p>

5-боб. Креатив индустрия парки
19-модда. Креатив индустрия субъектларига имтиёзлар ва преференциялар
<p>Давлат креатив индустрия субъектларига солиқлар ҳамда бошқа тўловлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериши мумкин.</p>

20-модда. Креатив иқтисодиёт соҳасидаги таълимни қўллаб-қувватлаш
<p>Креатив иқтисодиёт соҳасидаги таълимни қўллаб-қувватлаш куйидаги шаклларда амалга оширилади:</p> <p>креатив индустрия соҳаларидаги кадрларни тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва уларнинг малакасини оширишга доир давлат таълим стандартларини ҳамда таълим дастурларини такомиллаштириш;</p> <p>креатив индустрия соҳаларидаги таълим ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;</p> <p>креатив индустрия соҳаларида дуал таълимни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан назарий билимлар ва амалий кўникмаларнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;</p> <p>етакчи халқаро таълим ташкилотлари билан биргаликда соҳага оид итхисослаштирилган кўшимча таълим дастурларини яратиш;</p> <p>ўқув-услубий, илмий ва амалий адабиётларни яратиш.</p> <p>Креатив иқтисодиёт соҳасидаги таълимни қўллаб-қувватлаш қонунчиликда назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.</p>

21-модда. Креатив маҳсулотларни яратишда миллий ва умуминсоний кадриятларни оммалаштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш
<p>Давлат миллий ва умуминсоний кадриятларни оммалаштиришга, Ўзбекистон халқининг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлашга ҳамда бойитишга, маданий меросни муҳофаза қилишга, шунингдек ёшларда ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришга қаратилган креатив маҳсулотлар яратилишини қўллаб-қуватлайди.</p>

5-боб. Креатив иқтисодиёт инфратузилмаси
22-модда. Креатив иқтисодиёт инфратузилмасининг таркиби
<p>Креатив иқтисодиёт инфратузилмаси соҳани қўллаб-қувватлашга ҳамда ривожлантиришга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва рақамли ресурслар жаммуасини ўз ичига олади.</p> <p>Креатив иқтисодиёт инфратузилмаси креатив индустрия парклари, креатив индустрия кластерлари, креатив индустрия арт-резиденциялари, марказлари, инновацион ускуналар ва технологиялар, рақамли дастурлар ва платформалар шаклида ҳамда бошқа шаклларда бўлиши мумкин.</p>

23-модда. Креатив индустрия кластерлари
<p>Креатив индустрия кластери тегишли ҳудудда креатив маҳсулотларни яратишда иштирок этадиган, самарали ҳамкорлик қилиш, қувватлардан биргаликда фойдаланиш, билимлар ва кўникмалар алмашиш мақсадида тузилган креатив индустрия субъектларининг йиғиндисидан иборат бўлган ташкилий-ҳуқуқий тузилмадир.</p> <p>Креатив индустрия кластерлари давлат ёки хусусий инвестициялар иштирокида ташкил этилиши мумкин.</p> <p>Креатив индустрия кластерлари фаолиятининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:</p> <p>ички ва ташқи бозорларда талаб қилинган товарларни (ишларни, хизматларни) яратиш учун креатив индустрия субъектларининг салоҳиятини бирлаштириш;</p> <p>креатив индустрия субъектлари учун таълим, маслаҳат ва ахборот хизматларини ташкил этиш;</p> <p>креатив фаолият натижаларини бозорда биргаликда илгари суриш.</p> <p>Креатив индустрия кластерлари қонунчиликда тақиқланмаган бошқа йўналишларда ҳам фаолият олиб бориши мумкин.</p>

24-модда. Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармалари
<p>Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ички ва ташқи бозорларда креатив индустрия соҳаларидаги лойиҳаларни яратиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш ва илгари суриш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш мақсадида ташкил этилади.</p> <p>Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармаларининг маблагларидан фойдаланишининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:</p> <p>креатив иқтисодиёт соҳасидаги тадбирларни амалга ошириш;</p> <p>креатив индустрия соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш ва тижоратлаштириш;</p> <p>креатив индустрия субъектларини молиявий жиҳатдан рағбатлантириш, кадрларнинг малакасини ошириш ва ушбу субъектларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.</p> <p>Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармалари қайтариш шартлари асосида ёки бегараз асосда маблаглар ажратиши, шунингдек креатив индустрия субъектларининг мажбуриятлари бўйича кафил сифатида иш юритиши мумкин.</p> <p>Креатив иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш жамғармаларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амалга оширади.</p> <p>Креатив индустрия парки дирекцияси Республика кенгашига ўз фаолияти ва унинг натижалари тўғрисида йилига камида икки марта ахборот тақдим этади.</p>

6-боб. Креатив индустрия парки
25-модда. Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мониторинг қилиш ва баҳолаш тартиби
<p>Креатив индустрия паркинн тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.</p> <p>Креатив индустрия паркинн бошқариш дирекция томонидан амалга оширилади.</p> <p>Республика кенгаши креатив индустрия парки фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолашни амал</p>

ИЖТИМОЙ ЙўНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ — КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТНИНГ АСОСИ



Хуқуқлар, имкониятлар тенглиги, ҳар бир инсон фаровонлигига интилиш давлат ва жамият барқарор ривожланишининг муҳим, устувор мезонларидан ҳисобланади.

Дунёда ҳукм сураётган мураккаб ҳозирги шароитда бу масаланинг қадр-қиммати, аҳамияти янада ортган. Бинобарин, ижтимоий тенгсизлик, аҳоли турли қатламлари ўртасида тафовутлар пайдо бўлиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

ри тизимини очиқлик ва шаффоқлик таъминлашга мувофиқлаштириш, шу орқали коррупция ва унинг оқибатларига, "яширин иқтисодиёт"га қарши курашиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, харидлар тизими рақамлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, амалиётда давлат харидларини амалга оширишда

Этиборлиси, бу соҳада Ўзбекистонда етарли тажриба тўпланди, ижтимоий-иқтисодий фаоллик ортди. Лекин ўзгаришларга қарамай, вақтинча ишсиз фуқаролар, асосан, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялаш муҳим.

Халқ демократик партияси бу борада **ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий сугурта миллий моделини жорий этишни** таклиф қилмоқда. Бу шундай тизим бўладики, иш топишда қийналаётган, турли сабаблар билан иш жойидан айрилган, вақтинча ишсизлар қаторида турган инсонлар манзилли қўллаб-қувватланади. Айтиш мумкин, у фуқароларни боқимандаликка эмас, ижтимоий-иқтисодий фаол бўлишга ундайди.

Иқтисодий тараққиётнинг локомотиви

Миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишида инвестициялар оқими кенгайтириш, бунинг учун зарур иқтисодий-ҳуқуқий шароитни яратиш муҳим.

Иқтисодиётимизга маблағ киритиш истагида бўлган ҳар қандай инвесторни, биринчи навбатда, шароит, имконият қизиқтиради. Айниқса, қандай имтиёз ва преференциялар тақдим этилгани ҳам аҳамиятли.

Кейинги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Ўтган йил янада бўйича бу ўсиш 5,5 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмаси кўрсаткичи ошмоқда. Валюта бозори ва олтин-валюта захиралари барқарорлиги сақлаб қолинмоқда.

Инвестициялар иқтисодий тараққиётимизнинг мустаҳкам драйвери ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узоқ мuddатли ҳамкорга айлантириш мақсадида **маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш** долзарб эканини таъкидлаш жоиз. Бу Сайловолди дастуридаги муҳим ташаббуслардан биридир.

Содда қилиб айтганда, хорижий инвесторга ҳам, маҳаллий инвесторга ҳам бир кўз билан қаралиши муҳим. Бу экспортбон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоқлароо кооперацияни чуқурлаштириш ва қўшилган қиймат занжирини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳақида гап кетганда, Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастурининг иқтисодий соҳасидаги айрим ташаббуслари тадбиркорлар, хусусан, фермерлар учун салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, партиянинг "2030 йилга қадар пестицидлардан фойдаланиш ҳажмини 50 фоиз камайтириш" тўғрисидаги таклифи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун муайян қийинчиликлар олиб келиши мумкин. Фермер, деҳқонларимиз турли зараркунанда жонзотлар ва ҳашаротлардан ҳамда ўсимликлардан ҳимоя қилиш учун пестицидлар ишлатишга мажбур. Бўлмаса, маҳсулот нобуд бўлиши ёки ҳосилга зарар етиши мумкин. Умуман олганда, мазкур таклиф иқтисодий самарадорлиги жиҳатидан Экопартия томонидан чуқур ўйланмасдан кўтариб чиқилган масала, деб ҳисоблаймиз.

ИЖТИМОЙ Давлат УЧУН!

Ижтимоий тенгликни таъминлаш

ХДП даромад ва уларнинг манбаларидан қатъи назар, бойликнинг ҳаддан ташқари концентрациясига адолатли солиқ солиш тизимини жорий қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Бундай чоралар айрим ривожланган мамлакатларда аҳолининг иқтисодий табақалашувининг олдини олишга хизмат қилган. Масалан, АҚШда йиллик даромади 11 миң доллардан кам бўлган фуқароларга 10 фоизли солиқ ставкаси қўлланади, 578 миң доллардан юқори даромадлилар эса 37 фоиз ставка бўйича солиқ тўлайди. Хитойда 36 миң юандан кам топганлар 3 фоиз, 960 миң юандан ортиқ топганлар эса 45 фоиз солиқ тўлайди. Францияда оила аъзоларининг қўшма даромадлари инobatта олинади: 11 294 евродан кам олаётганлар солиқ тўламайдилар, аммо 177 106 евродан ортиқ даромадлилар 45 фоиз ставка бўйича солиқ тўлайдилар.

Бойликнинг ҳаддан ташқари концентрациясига адолатли солиқ солиш тизими юқори даромад ва бойликка эга бўлган шахсларни солиққа тортиш орқали ижтимоий тенгсизликни камайтиришга ёрдам беради.

Демак, бундай солиқ тўлаш ҳар бир шахсинг мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқига даҳл қилмайди, аксинча, давлат ва жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳисса қўйишдек олийжаноб фуқаролик бурчини бажаришига имкон беради. Зеро, тўланган солиқлар ҳисобидан мактаб, боғча, шифохоналар, йўллар каби ижтимоий объектлар барпо этилади, ногиронлиги бўлган шахслар ва эҳтиёжманд аҳоли қўллаб-қувватланади.

Шаффоқлик керак

Давлат харидлари давлат, жамият ва бизнес ўртасидаги муносабатларнинг сифатини акс эттирувчи муҳим жараён саналади. Давлат органлари ва муассасалари бюджет маблағларидан самарали фойдаланиши лозим. Бугунги кунда жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат харидлари тизимини такомиллаштирмай туриб, иқтисодий самарадорлик, бизнес субъектлари ўртасида ҳалол рақобат, коррупцияга қарши курашиш борасида юқори натижаларга эришиш қийин.

Мамлакатимизда давлат харидла-

қонунбузилиш ҳолатлари учраб тургани бор гап.

Бундай вазиятларнинг олдини олиш ва шаффоқлик бўлиши учун давлат харидлари соҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини янада кенгайтириш, шунингдек, жараёнда иштирок этувчи тарафларнинг шартнома мажбуриятларига риоя этилишини мониторинг, таҳлил ва назорат қилишнинг комплекс тизимини яратиш энг мақбул чоралардан, албатта.

Соҳада **жамоатчилик назоратини кучайтириш** давлат харидлари жараёнидаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга шароит яратади.

Кўриб турганимиздек, бир-бирига ҳалқа мисоли боғланган бу жараёнлар пировардида ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигига олиб келади. **Халқ демократик партияси давлат харидлари тизимида шаффоқликни ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришни ўта муҳим**, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий сиёсатнинг «барометри»

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълум қилишича, 2024 йилда дунё бўйича ишсизлар сони икки миллионга ошиши ва глобал ишсизлик даражаси ҳозирги 5,1 фоиздан 5,2 фоизга кўтарилиши кутилмоқда. "Катта йигирматалик" давлатларининг кўпиде ахтиёрли даромадлар камади ва инфляция натижасида турмуш даражасининг пасайиши қисқа мuddатда деярли тикланмади.

Дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам бу масала жуда долзарб. Мана шундай шароитда аҳолининг бандлик даражасини кўтариш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Бинобарин, бандлик соҳасига ижтимоий сиёсатнинг "барометри" дея таъриф бериш мумкин.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Сайловолди тарғибот кампанияси қизгин давом этаётган даврда сайловчилар, юрtdошларимиз сиёсий партияларнинг дастурий мақсад-ғоялари билан ақиндан танишмоқда, ўрганмоқда, таққосламоқда.

Иқтисодиётимиз ривожининг ҳозирги босқичида ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон орзу-мақсадларига етиши учун шароит ва имконият яратиш, турмуш фаровонлиги бўйича давлатнинг ҳисобдорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эгадир.

Партияимиз Сайловолди дастурида бу бўйича аниқ, ҳаётий таклиф-ташаббуслар илгари сурилган.

Иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлиги учун Халқ демократик партиясига ва номзодларига овоз беринг!

Тўлқин ТўРАХОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари,
Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Иқтисодиётнинг барқарор раванқ топиши учун ҳам давлат ижтимоий адолатни таъминлаши, бошқача айтганда, ижтимоий ҳимоя механизмларининг кенг қамровини ва изчиллигини кафолатлаши керак.

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) маълумотларига кўра, жаҳонда 15 ёшгача бўлган 1,4 миллиард боланинг ижтимоий ҳуқуқлари таъминланмаган. Дунё аҳолисининг атиги 29 фоизи ижтимоий ҳимоя тизимлари билан етарли даражада қамраб олинган бўлса, 55 фоизи бу қамровга тўлиқ эга эмас.

Маълумки, шундай шароитда қатор мамлакатлар ҳукуматлари бозор иқтисодиётининг ижтимоий тенгсизлик ва камбағалликка олиб келаётган жараёнларини жиловланмақсадида давлатнинг ижтимоий сиёсатини кучайтиришга эътибор қаратмоқда.

Кези келганда таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон бугун жаҳон минбарларида ҳар бир фуқароси учун ғамхўрлик қилаётган ижтимоий давлат сифатида эътироф этилмоқда.

Аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида тизимда олиб борилётган ислохотлар ҳам, очиги, бироз қийин кечаётган бўлса-да, аста-секин бўй кўрсатмоқда.

Болалар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳам йил сайин ўсиш динамикаси кузатишмоқда.

Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги конституциявий мақоми таъминлашда давлат бошқаруви идоралари билан бир қаторда нодавлат институтлар, жамоатчилик, асосийси, сиёсий партиялар биринчилик сафида пухта ўйланган, натижадор таклиф-ташабусларнинг ижодкорлари бўлмоғи керак.

Шу маънода, Халқ демократик партияси **бозор иқтисодиётининг ижтимоий самарадорлигини оширишга** ургу бериб келаётгани, янги Сайловолди дастурида ҳам бу йўналишда аниқ, ҳаётий ва халқчил таклифларни киритгани замирида бир ҳақиқат турибди. Бу **инсонпарварлик, тенглик ғояларини ислохотларга чуқур сингдириш, ижтимоий адолат ва бирдамликни ҳамма нарсадан устун қўйиш** мақсади билан боғлиқ.

Давлатнинг фаол роли ва иштироки муҳим

Ўзбекистон Халқ демократик партияси **иқтисодиётни ижтимоий барқарорликни кўзлаб ривожлантириш** муҳим, деб ҳисоблайди.

Чунки дунё таърибидан аёнки, эркин бозор қонунлари баъзан ижтимоий тафовутларнинг, тенгсизликнинг чуқур илдири отишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ижтимоий давлат барпо этиш учун тўсиқдир. Қолаверса, самарали бошқарува эга давлатнинг асосий тартибга солувчилик роли бозор муносабатларини рағбатлантириб, ижтимоий-иқтисодий фойда келтиради. Бозор муносабатларини тартибга солиш ва ижтимоий тенгликни таъминлаш жараёни давлат иштирокисиз бўлмайди.

Аммо **UzLiDeP** Сайловолди дастурида илгари сурилаётган иқтисодиётда давлат иштирокини кескин қисқартириш, давлат мулкни хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улушини ошириш ғояси бизнинг позициямизга зид, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, **иқтисодиётда давлатнинг иштироки бўлиши шарт, давлат тартибга солувчи ва ташаббускорлигидан воз кечмаслиги лозим.**

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ПОЙТАХТИМИЗДА VIII БУТУНЖАҲОН ПАХТА ТАДҚИҚОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Тадбирда иштирокчилар пахта етиштирувчи давлатларда пахтачилик ва тўқимачилик саноати соҳасидаги тадқиқотларда эришилган сўнгги ютуқлар билан танишиди. Ёзу парваришида глобал иқлим ўзгариши ҳамда минтақавий муаммолар муҳокамаси ўтказилиб, ечимлар бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, пахтачилик соҳасида жаҳонда қўлга киритилган ютуқлар, жорий этилаётган илғор технология-

лар олимлар томонидан тақдимотлар орқали халқаро пахтачилик ҳамжамиятига таништирилди. — Дунёдаги нуфузли халқаро пахтачилик ташкилотларининг Тошкентдаги учрашуви соҳани барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга, — деди Покистон Мултон пахтачилик институти директори Фулом Сарвар. — Бугун биз, олимлар зиммасида глобал иқлим ўзгаришлари, курғоқчилик, шўр ва иссиққа чидамли ёзу навлари-

ни яратиб бериш масъулиятли вазифа турибди. Бу анжуманинг Ўзбекистонда ўтказилаётганининг боиси эса мамлакатда шундай курғоқчиликка чидамли навлар яратилмоқда ва биз бу навларни ўрганишимиз керак. Пахтачиликдаги дунё олимларининг бу ҳамкорлиги тўқимачилик саноатини сифатли хомашё билан таъминлаш имкониятини беради.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).



МИЛЛАТ ТАНЛАМАГАН ҚАБОҶАТ

Тарихнинг машъум кунлари ҳар биримизни хушёрликка ва хулоса чиқаришга ундайди

«Катта террор» даврида Навоий вилоятининг худуди Самарқанд ва Бухоро округларига тегишли бўлиб, ушбу маъмурий бирликларда 1937-1938 йилларда 885 та жиний иш кўриб чиқилган. Унга кўра, Зарафшон воҳасида туғилиб ўсган 1604 нафар ватандошимиздан 651 нафари отув, 897 нафари 10 йил, 36 нафар киши 8 йил озодликдан маҳрум этиш жазоларига ҳукм қилинган. 2 киши ҳибсда вафот этган бўлса, бор-йўғи 10 кишигина кексалиги туфайли озод қилинган, улар ҳам 80 ёшдан ошган қарилар бўлган.

«Халқ душманлари» сифатида жазоланганлар орасида 8 нафар аёл ҳам бўлиб, уларга «жиноятчининг хотини бўлганлиги», «жиноятчи билан бирга яшаганлиги», «эрининг жиноятини билгани ҳолда совет ички ишлар органларига билдирмаганлиги» учун қаби айблар қўйилиб, 8 йилдан 10 йилгача муддатга қамоқ жазоси белгиланган. 1937 йил 15 августдаги «Ватан хоинларининг хотинлари ва болаларини репрессия қилиш» тўғрисидаги буйруққа кўра, «халқ душманлари»нинг хотинлари ва болалари Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳамда Қозғистон Республикасидаги махсус лагерларга жўнатилган. Фарзандларининг 15 ёшдан ошганлари қамоқхоналарда, қалолатга етмаганлари эса махсус колонияларда сақланиб, уларнинг онгига ота-онанинг «халқ душмани» экани, бундай отадан ваз кечирш лозимлиги тўғрисидаги фикрлар турли руҳий ва жисмоний таъсирлар орқали мажбурий равишда синдирилган.

— Тадқиқотларимизда Облоқул Омонов Красноярск ўлкасидаги қамоқхоналарда сохта айбловлар туфайли 10 йил жазони ўтагани

аниқланди, — дейди Зафар Олимов. — Ушбу муддат тугаганидан кейин Облоқул бобо ўз юртига қайтиб келади. Аммо тинчлик берилмагандан кейин яна қамалган жойига қайтиб, у ерда 1955 йилга қадар яшашга мажбур бўлган. Уша ерда оила қуради ва икки ўғилли бўлади.

Облоқул бобонинг 1953 йилда ҳуқуқлари тиклангандан кейин оила Кармана туманидаги Варқ-1 қишлоғига келади. Анастасия

қазилма бойликларни учратиш мумкин. Мазкур ер ости бойликларини ўзлаштиришга, асосан, ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари нийоҳасида кириштирилиб, дастлаб ён-атроф туманларидан кулоқлаштирилганлар кучи билан марказдан чўққига қадар жонли улвлар учун йўл тортилган. Кейинчалик корей ва яхуди миллатига мансуб кишилар сафарбар этилиб, қазилма ишлари бошланган. Таъкидлаш ўринлики, тоғ шарои-

йўл куриб келди. Қрим-татар оғайнлар келгандан сўнг узунлиги 150 метрча келадиган бараклар қурилди.

Қатагон даври мусибатлари халқимиз бошига не қулфатлар солмасин, у ўзининг одамийлик ва бағрикенглик қиёфасини йўқотмади. Турли миллат вакиллари билан бу кўргилик оғирликларини баҳам кўрди.

— Йўлда отам, онам, акам ўлди, — дея хотирлаганда ўша машъум кунларнинг гувоҳи бўлган (марҳум) Нурия Ажмирзаева. — Отам билан иккимиз қолдик. Лангарга келган отам ҳам ўлди. Минг раҳмат, ўзбекларга, улар мени олти ёшимда ўз бағрига олди. Уларни қибетка уйда турса ҳам жой берди. Улғайтириб, турмушга чиқарди. Аслини олганда, улар ҳам бизга ўхшаган қувгин қилинган кишилар эди. Шулар бўлма-са, очликдан қирилиб кетардик.

Кексалар айтаган фикрлар тасдиғига Лангардаги кўхна қабристонда рўбарў келамиз. Қарийб ер билан текис бўлган тепаликлар айни қирчиллама ёшида кетган йўллар, бўй этган қизлар, норасида гўдакларга тегишли эканини ранги ўчиб кетган қабр тошларидан аниқлаш мумкин. На сўроғи, на статистикаси юритилган эмас. Бироқ кексалар таъкидлаганидек, қатагон йиллари асл фарзандлари, тадбирли, илму маърифатли, жонқуяр ўғлонларини берган, адолатсизликнинг уқубатларини тортган халқимиз ўзининг инсонийлик, асрлар давомида шакланган инсонпарварлик, меҳр-шафқатлик, саховатпешалик, бағрикенглик каби хислатларини яна бир бор намоён этди.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон маҳалла тизими дунё нигоҳида

Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм кам фоизли кредит, 7 триллион сўм субсидия берилди. Бундай юксак марраларга эришишда Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро тажриба алмашиш, биргаликда турли дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали яқин ҳамкорликни изчил давом эттиришдан манфаатдор.



Ялпи мажлисдан сўнг конференция шубҳаларга бўлинган ҳолда давом этди. Шубҳа мажлисларида «Марказий Осие мамлакатларининг ўзини ўзи бошқариш органлари тажрибаси», «Давлат бошқарувида ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни», «Ўзини ўзи бошқариш органларида хотин-қизлар, ёшлар ва болалар манфаатларининг таъминланиши», «Ўзини ўзи бошқариш органларида замонавий технологияларни жорий этиш, илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва малака ошириш тизimini тақомиллаштириш» каби мавзулар муҳокама қилинди.

Анжуманда муҳокама этилган мавзулар юзасидан иштирокчилар томонидан яқини хулосалар баён қилинди, ўзаро ҳамкорлик, тажриба

алмашишга келишиб олинди. Шубҳа мажлислари хулосалари асосида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, БМТнинг юртимиздаги ваколатхонаси ва бошқа ҳамкор халқаро ташкилотлар томонидан конференциянинг яқини декларацияси имзоланди.

Халқаро конференция доирасида иштирокчилар уч гуруҳга бўлинган ҳолда Самарқанд шаҳридаги Девори Кўндаланг, Чаримгар ҳамда Самарқанд туманидаги Кониғил маҳаллалари ва маҳалла сервис компаниялари фаолияти билан танишиб, ўзаро тажриба алмашади. Хорижий меҳмонлар Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириш имконига ҳам эга бўлади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Инвестор ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майддаги ПҚ-4343-қарорига мувофиқ, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларга замонавий ҳамда арзон уй-жойларни қуриш ва бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрда 865-қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари ходимларига кўп квартиралы уйларни «тайёр ҳолда топшириш» шартларида қуриш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамкорликка таклиф этилади. Танловда катнашиш истағида бўлган ташкилотлар вакилларида қуйидагилар талаб қилинади:

- инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси;
- инвестор ёки қурилиш ташкилотининг фаолияти ҳақида маълумот (3 йилдан ортиқ ишлаган бўлиши керак);
- хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг тўғрисида маълумотнома;
- солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома;
- инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси тўғрисида маълумот;
- қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа таклифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D кўринишда);
- қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш муддатлари ва шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишда);

Қурилиш режалаштирилаётган объектлар манзили:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида қарашли Мирзо Улуғбек тумани, «Ялонғоч» МФЙ, Темур Малик кўчаси, 1-«А» уй манзилида қурилаётган қурилиш умумий майдони 2696 м² (0,2696 га) бўлган бўш ер майдони.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида қарашли Яшнобод тумани, «Илтифот» МФЙ, 58-ҳарбий шаҳарча мавзеси, 55-уй манзилида қурилаётган қурилиш умумий майдони 2614 м² (0,2614 га) бўлган бўш ер майдони.

- қурилган уйларнинг энг камида 50 фоизини ички ишлар органлари ходимлари учун имтиёзли арзонлаштирилган нархларда сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат таклифи);
- лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносига қўшимча равишда автомобиллар тураржойи ҳамда болалар майдончаси бўлиши шарт;
- лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносининг қаватлари ер майдони жойлашган туман бош архитектори билан маслаҳатлашган ҳолда келишиши лозим;
- қурилиш режалаштирилаётган кўп қаватли тураржой биноси бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ барча харажат инвестор ёки қурилиш ташкилотининг ўз маблағлари ҳисобидан бўлади;
- Мирзо Улуғбек тумани, «Ялонғоч» МФЙ, Темур Малик кўчаси, 1-«А» уй манзилида жойлашган умумий майдони 2696 м² (0,2696 га) бўлган ер майдонидан 19,93 м² (0,1993 га) ер майдони тураржой эгаларига тураржойни кўчириш эвазига 13,8 млрд. сўм компенсация маблағлари тўлаб берилганлиги сабабли инвестор томонидан бериладиган таклифда ушбу маблағ қоплаб берилиши назарда тутилиши лозим.

Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истағидаги инвестор ёки қурилиш ташкилотлари 2024 йил 1 ноябрга қадар танлов юзасидан қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 71-уй ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, телефон: 71-267-65-33.

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI HUZURIDAGI «O'ZBEKISTON IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHNING ILMiy ASOSLARI VA MUAMMOLARI» ILMiy-TADQIQOT MARKAZI

2025-yilga quyidagi ixtisosliklar bo'yicha tayanch doktorantura (PhD), doktorantura (DSc) va stajyor-tadqiqotchilikka qabul e'lon qiladi:

Stajyor-tadqiqotchi:

- 08.00.02 — Makroiqtisodiyot — 1 o'rin;
- 08.00.12 — Mintaqaviy iqtisodiyot — 1 o'rin.

Tayanch doktorantura (PhD):

- 08.00.02 — Makroiqtisodiyot — 2 o'rin;
- 08.00.07 — Moliya, pul muomalasi va kredit — 2 o'rin;
- 08.00.10 — Demografiya. Mehnat iqtisodiyoti — 1 o'rin;
- 08.00.12 — Mintaqaviy iqtisodiyot — 1 o'rin.

Doktorantura (DSc):

- 08.00.02 — Makroiqtisodiyot — 2 o'rin;
- 08.00.07 — Moliya, pul muomalasi va kredit — 1 o'rin;
- 08.00.12 — Mintaqaviy iqtisodiyot — 1 o'rin.

Hujjatlar 2024-yil 15-oktabrgacha qabul qilinadi.

Stajyor-tadqiqotchi bo'yicha o'qishga talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:

- ariza;
- pasport nusxasi;
- qisqacha biografik ma'lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ta'lim magistraturasi diplomini nusxasi;
- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari;
- O'zbekiston Prezidenti Davlat stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasini taqdim etadi.

Tayanch doktoranturada (PhD) o'qishga talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:

- ariza;
- pasport nusxasi;
- qisqacha biografik ma'lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);
- oliy ta'lim magistraturasi diplomini nusxasi;

- nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari;
- O'zbekiston Prezidenti Davlat stipendiyasi sohiblari tegishli hujjat nusxasini taqdim etadi.

■ til bo'yicha milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat.

Doktoranturada (DSc) o'qishga talabgorlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:

- ariza;
- pasport nusxasi;
- qisqacha biografik ma'lumotnoma;
- mehnat daftarchasining belgilangan tartibda tasdiqlangan nusxasi (ishlayotgan talabgorlar uchun);

■ oliy ta'lim, fan nomzodi yoxud falsafa doktori (PhD) yoki xorijiy davlatlarda unga tenglashtirilgan ilmiy darajaga ega bo'lganligi to'g'risidagi diplom nusxasi;

■ tadqiqot mavzusi bo'yicha ilmiy ma'ruza va fan doktori (DSc) ilmiy darajasini olish uchun tayyorlangan doktorlik dissertatsiyasi rejasining mufassal loyihasi;

■ nashr etilgan ilmiy ishlar ro'yxati, shuningdek, ularning nusxalari;

■ til bo'yicha milliy yoki unga mos darajadagi xalqaro sertifikat.

Doktoranturaga talabgorlar kollegial organ tomonidan ixtisoslik bo'yicha suhbatdan o'tadi.

Tayanch doktoranturaga kirish imtihonlari, stajyor-tadqiqotchi va doktoranturaga kirish uchun suhbat 2024-yil 1 — 25-noyabr kunlari o'tkaziladi.

Ma'lumot uchun manzil: Toshkent shahri, Islom Karimov shohko'chasi, 49-uy, Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti bosh binosi 14-qavat. 14.07-xona
Telefon: 71-239-29-42.
website: www.cedr.uz. E-mail: info@cedr.uz

РЕКЛАМА

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оmmавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 11 465 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонинг орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзасиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.28 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6